



# ДАВЛАТ СУВ КАДАСТРИНИ ЮРИТИШ



Тошкент – 2014



# Давлат сув кадастрини юритиш

*Режса:*

1. Давлат сув кадастри тушунчаси ва мақсади.
2. Давлат сув кадастрининг мазмунни ва моҳияти.
3. Давлат сув кадастрини ишлаб чикиш ва юритишни ташкил этиш.



## Давлат сув кадастри

*Давлат сув кадастри* - «Сув ва сувдан фойдаланиш тўгрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига мувофик, сув ресурсларидан окилона фойдаланишни ташкил этиш, сув хўжалиги муносабатларини тартибга солиш, хўжалик фаолиятини, экологик вазиятни баҳолаш максадида ишлаб чикилади ва юритилади хамда Ўзбекистон Республикаси Давлат кадастрлари ягона тизимининг таркибий қисми ҳисобланади.

# **Давлат сув кадастрини юритишга оид қонун ва мeyerий хужжатлар**



- 1. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат  
кадастри тўғрисида”ги Қонуни**
- 2. "Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисида"ги  
Ўзбекистон Республикаси Қонуни**



## Давлат сув кадастри

*Давлат сув кадастри* - давлат сув фондини ташкил этувчи сув объектлари, сув ресурслари, сув режими, сифати ва ундан фойдаланиш ҳақидаги, шунингдек, сувдан фойдаланувчилар тўғрисидаги тартибга солинган, доимий тўлдириб бориладиган ва зарурат бўлганда аниклаштириладиган маълумотлар тўпламини ифодалайди.

Ер усти ва ер ости сув объектлари ва уларнинг ресурслари Давлат сув кадастрининг **объектлари** хисобланади.



## ДАВЛАТ СУВ КАДАСТРИ

Табиий сув ресурсларини, улардан микдор ва сифат кўрсаткичлари бўйича фойдаланишни хар томонлама ўрганиш ва баҳолаш, сувдан фойдаланиш хукукини ва сувдан хўжалик максадларида фойдаланишни рўйхатдан ўтказиш Давлат сув кадастрининг ***предмети*** хисобланади.

Сув ресурсларини ***баҳолаш деганда*** хам йил давомида, хам кўп йиллар давомида стандарт гидрометрик асбоблар билан ўлчаш оркали уларни микдор ва сифат кўрсаткичлари бўйича мунтазам хисобга олиш, олинган маълумотларнинг ишончлилиги тахлили, уларни стандарт усуллар билан кайта ишлаш ва турли худудий ва вакт бирликлари бўйича умумлаштириш тушунилади.



## ДАВЛАТ СУВ КАДАСТРИ

*Давлат сув кадастрининг мақсади* -  
Давлат сув кадастри давлат хокимияти органларини, юридик ва жисмоний шахсларни сув объектлари, сув ресурслари, сув режими, сифати ва ундан фойдаланиш, шунингдек, сувдан фойдаланувчилар тўгрисидаги зарур маълумотлар билан таъминлаш учун мўлжалланган.



## ДАВЛАТ СУВ КАДАСТРИ

Энг кам чикимлар билан замонавий даражада ахборотларни тўплаш, умумлаштириш, саклаш ва такдим этиш технологиясини доимий равища такомиллаштириб бориш йўли билан сув ресурслари ва сув объектлари хакида ишончли ахборотни олиш ва саклаш Давлат сув кадастрининг *асосий вазифаси* хисобланади.

Сув объектлари ва сувдан фойдаланувчиларни рўйхатдан ўтказиш, сув микдори ва сифатини хисобга олиш, сув ресурсларини ва улардан фойдаланишини баҳолаш Давлат сув кадастрининг *маркибий кисмлари* хисобланади.





## ДАВЛАТ СУВ КАДАСТРИ

Куйидагилар Давлат сув кадастрини юритишнинг  
*асосий принциплари* хисобланади:

- республиканинг барча сув объектларини қамраб олиш;
- сув ресурсларини ва улардан фойдаланишни ҳисобга олишнинг ягона тизимини қўллаш;
- бошланғич кадастр ахборотини қайта ишлаш усулининг ягоналиги;
- Давлат кадастрлари ягона тизими талабларини ҳисобга олиш;
- Давлат сув кадастрини юритиш бўйича ишларга марказлаштирилган тартибда раҳбарлик қилиш;

# ДАВЛАТ СУВ КАДАСТРИ

- ▶ сув-кадастр ахборотининг ишончлилиги, кўргазмалилиги ва хужжатларга асосланганлиги;
- ▶ Давлат сув кадастрини юритиш бўйича ишларнинг узлуксизлиги;
- ▶ кадастрини юритишнинг автоматлаштирилган ахборот тизими фаолият кўрсатиши;
- ▶ сув кадастрини юритиш бўйича ишларнинг тежамлилиги;
- ▶ фойдаланувчилар доираси чекланган маълумотларнинг махфийлиги.



## ДАВЛАТ СУВ КАДАСТРИ

- ✖ Давлат сув кадастри республика сув объектлари тўгрисидаги ахборотни кайта тиклашнинг тўлик туркумини ташкил этувчи ***асосий ва жорий турларни*** ўз ичига олади.
- ✖ Куйидагилар Давлат сув кадастрини юритадилар:
- ✖ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси хузуридаги Гидрометеорология хизмати маркази - ***ер усти сувлари бўлими бўйича,***
- ✖ Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар кўмитаси - ***ер ости сувлари бўлими бўйича,***
- ✖ Ўзбекистон Республикаси Кишлок ва сув хўжалиги вазирлиги - ***сувдан фойдаланиши бўлими бўйича.***



## Давлат сув кадастрининг мазмуни

- Республика ҳудудида сув объектларини рўйхатдан ўтказиш, сув ресурслари, уларнинг режими, фойдаланиш, шунингдек сувдан фойдаланувчилар тўғрисидаги миқдор ва сифат баҳо кўрсаткичлари хақида ишончли, замонавий ва тежамли ахборотларни олиш, тартибга солиш, саклаш ва уларни фойдаланувчиларга беришнинг технологик жараёни **давлат сув кадастрининг мазмуни** хисобланади.



## Давлат сув кадастрининг мазмуни

- сувдан комплекс фойдаланиш ва уни муҳофаза килиш схемаларини хамда сув хўжалиги балансларини тузиш;
- сувдан фойдаланиш билан бўлган сув хўжалиги, транспорт, саноат корхоналари хамда бошқа корхоналар ва иншоотларни лойихалаштириш;
- гидрологик ва гидрогеологик шароитлар, дарёларда сув хажми ва сув сифати ўзгаришларини прогнозлаш;
- сув хўжалиги тизимлари иши самарадорлигини ошириш тадбирларини ишлаб чикиш;





# Давлат сув кадастри мълумотларидан фойдаланиш

## ДСК мълумотлари куйидагиларда фойдаланиши учун мўлжалланади:

- сувдан фойдаланишни жорий ва истиқболли режалаштириш ҳамда сувни муҳофаза килиш тадбирларини амалга ошириш;
- мамлакат ҳудудида ишлаб чиқариш кучларини жойлаштириш; ўзгаришларини прогнозлаш; сув хўжалиги тизимлари иши самарадорлигини ошириш тадбирларини ишлаб чикиш;
- сувни истеъмол қилиш ва чиқариб юборишни, шунингдек, сув сифати кўрсаткичларини нормалаштириш;
- сувнинг заарли таъсирининг олдини олиш ва уни бартараф этиш тадбирларини ишлаб чикиш;
- сувдан окилона фойдаланиш ва уни муҳофаза килиш тадбирлари ўтказилиши устидан давлат назоратини амалга ошириш;
- сувдан фойдаланувчилар ўртасидаги, шунингдек, сувдан фойдаланувчилар билан бошка манфаатдор юридик ва жисмоний шахслар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солиш;
- сувдан фойдаланиш ва уни муҳофаза килиш билан бөглик бошка масалаларни хал этиш.





# Давлат сув кадастрининг объектлари

## *Сув объектлари:*

- Дарёлар;
- турли сув тизимларини бирлаштирувчи, оқар сувни ҳудудий қайта тақсимлашга ёки суғоришга хизмат килувчи каналлар;
- кўллар ва сув омборлари;
- музликлар;
- ер ости сувлари (хавзалар, сувли горизонтлар, конлар).

## *Сув хўжалиги объектлари (иншиоотлари):*

- Гидроузеллар ва сув омборлари;
- сув объектларидан сув олишга мўлжалланган иншиоотлар (каналлар, насос қурилмалари, фойдаланиш қудуклари ва бошқалар);
- оқар сувни ҳудудий қайта тақсимлашга хизмат қилувчи каналлар;
- фойдаланилган ва шахта сувларини сув объектларига ташлаш иншиоотлари (коллекторлар, дренаж ва сув тўпланадиган каналлар, қувурсимон сув чиқаргичлар ва бошқалар);
- фойдаланилган сувларни тозалаш иншиоотлари.





## Давлат сув кадастри бўлимлари

Сув объектлари турларига ҳамда сувни ва ундан фойдаланишни ўрганиш бўйича вазифалар тақсимотига мувофиқ ДСК қуидаги бўлимларга бўлинади:

1. Ер усти сувлари,
2. Ер ости сувлари,
3. Сувдан фойдаланиш.

Сув объектлари сонини ва ҳолатини ҳисобга олиш объектларнинг ҳажми, ҳолати, ўрганилганлик даражаси ва муҳимлигига қараб картография, гидрогеология ва геодезия усуллари билан амалга оширилади.





## Давлат сув кадастрини юритиш

- ✖ Давлат сув кадастри маълумотлари республика, вилоятлар, Коракалпоғистон Республикаси ҳудудлари, дарё ҳавзалари, ҳавза ирригация тизимлари бўйича, ер ости сувлари бўлими бўйича эса гидрогеология минтақалари бўйича ҳам тизимлаштирилади ва нашр этилади.
- ✖ Ер усти сув ресурслари, уларнинг сифати ва хўжалик фаолияти таъсиридаги ўзгаришлар тўғрисидаги маълумотлар сув обьектлари ва уларнинг майдонлари, давлат ва давлатларо аҳамиятга эга бўлган дарё ҳавзалари, ҳавза ирригация тизимлари, вилоятлар ва умуман республика бўйича умумлаштирилади.



## Давлат сув кадастрини юритиши

- Сувдан фойдаланувчиларни сув ресурслари ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги зарур маълумотлар билан таъминлашда тезкорликни ошириш, шунингдек, истеъмолчиларнинг талабларини ҳисобга олган ҳолда маълумотларни қайта ишлаш ва умумлаштириш даражасини ошириш учун "Ўзгидромет" маркази, Давлат геология қўмитаси ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги томонидан сув кадастрининг автоматлаштирилган ахборот тизими ташкил этилади.

**ЭЪТИБОРЛАРИНГИЗ УЧУН РАХМАТ !**